

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

536 Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 27 майдаги 112-сон қарорини бажариш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси самарали ташкил этилишини таъминлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 апрелдаги 166-ф-сон фармойишига мувофиқ Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 471-уйда жойлашган бино (2-ётоқхона) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси балансига тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йилда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган бинони мукамал таъмирлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига 820 млн сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«Истисно ҳолларда Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин»; ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 декабрь,
308-сон